# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДЕМОГРАФИЯСИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ

*2025 йил 1 май ҳолатига кўра*
*(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)*

I. Корхона ва ташкилотларнинг сони
II. Тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича маълумотлар
III. Чет эл инвестицияси иштирокидаги корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумотлар
IV. Корхона ва ташкилотлар демографиясига оид метамаълумотлар ва тушунчалар

## I. Корхона ва ташкилотларнинг сони.

2025 йил 1 май ҳолатига кўра, республикада фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони 446,9 мингтани ташкил этди, шундан 377,8 мингтаси ёки 84,5 фоизи кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келади.




***Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони (бирликда)***

**Мавзуга доир кўрсаткичлар:**

Рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар сони (йиллик)
Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони (йиллик)
Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони (йиллик)

| Йил | Корхона ва ташкилотлар | *шундан:* | |
|---|---|---|---|
| | | тадбиркорлик субъектлари | *шундан:* кичик бизнес субъектлари |
| 2025 | 446 876 | 381 890 | 377 833 |
| 2024 | 469 261 | 404 755 | 400 491 |
| 2023 | 488 761 | 425 958 | 422 282 |
| 2022 | 548 701 | 484 935 | 481 138 |
| 2021 | 501 743 | 439 927 | 436 742 |

Ҳудудлар бўйича энг кўп фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар Тошкент шаҳрида – 22,6 фоиз, Тошкент – 9,6 фоиз, Самарқанд – 8,8 фоиз, Фарғона – 8,1 фоиз ва Қашқадарё вилоятида – 6,5 фоиз фаолият кўрсатмоқда.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар умумий сонидаги салмоқли улуши Тошкент шаҳрида – 90,1 фоиз, Навоий – 87,6 фоиз, Хоразм – 86,9 фоиз ҳамда Бухоро вилоятларида – 86,7 фоизга тўғри келди.

| Ҳудудлар | Корхона ва ташкилотлар | *шундан:* | |
|---|---|---|---|
| | | тадбиркорлик субъектлари | *шундан:* кичик бизнес субъектлари |
| Қорақалпоғистон Респ. | 22 231 | 18 279 | 18 194 |
| Андижон вилояти | 26 371 | 21 079 | 20 933 |
| Бухоро вилояти | 27 330 | 23 702 | 23 545 |
| Жиззах вилояти | 17 834 | 14 769 | 14 682 |
| Қашқадарё вилояти | 28 824 | 23 726 | 23 554 |
| Навоий вилояти | 19 596 | 17 173 | 17 071 |
| Наманган вилояти | 25 238 | 21 024 | 20 866 |
| Самарқанд вилояти | 39 123 | 33 129 | 32 901 |
| Сурхондарё вилояти | 24 233 | 20 269 | 20 182 |
| Сирдарё вилояти | 11 519 | 9 480 | 9 403 |
| Тошкент вилояти | 42 822 | 36 995 | 36 619 |
| Фарғона вилояти | 36 021 | 29 751 | 29 523 |
| Хоразм вилояти | 24 849 | 21 606 | 21 477 |
| Тошкент шаҳри | 100 885 | 90 908 | 88 883 |

**Мавзуга доир кўрсаткичлар:**
Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони (ойлик)
Фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари сони (ойлик)
Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони (ойлик)

## Корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича маълумотлар.

2025 йил 1 май ҳолатига фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича энг кўп қисми “савдо” тармоғида бўлиб, унинг жами сонидаги улуши 32,7 фоизни ташкил этди




*Корхона ва ташкилотлар*

Иккинчи ўринда “Саноат” 12,7 фоизни, учинчи ўринда “Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги” 7,3 фоизни;

Биргаликда ушбу уч турдаги фаолият уларнинг умумий сонининг 50 фоизидан ортиғини ташкил қилади.

| Иқтисодий фаолият турлари | Корхона ва ташкилотлар | *шундан:* | |
|---|---|---|---|
| | | тадбиркорлик субъектлари | *шундан:* кичик бизнес субъектлари |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги | 32 709 | 32 242 | 32 118 |
| Саноат | 56 576 | 56 440 | 55 620 |
| Қурилиш | 28 362 | 28 107 | 27 825 |
| Савдо | 145 965 | 145 939 | 145 096 |
| Ташиш ва сақлаш | 16 246 | 16 188 | 15 990 |
| Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 27 868 | 27 784 | 27 637 |
| Ахборот ва алоқа | 10 299 | 10 016 | 9 820 |
| Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 12 367 | 9 532 | 9 407 |
| Бошқа турлар | 116 484 | 55 642 | 54 320 |

**Мавзуга доир кўрсаткичлар:**

Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони (иқтисодий фаолият турлари бўйича, ойлик)

Фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари сони (иқтисодий фаолият турлари бўйича, ойлик)

## II. Тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича маълумотлар.

2025 йил 1 май ҳолатига кўра, 381,9 мингта фаолият кўрсатаётган тижорат ташкилотларидан 292,9 мингтаси масъулияти чекланган жамиятлар бўлиб, улар ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича корхоналар орасида биринчи ўринда туради.




***Тадбиркорлик субъектлари***

Шундан келиб чиқиб, МЧЖлар мамлакатимизда бизнес юритишнинг энг кенг тарқалган шакли деган хулосага келишимиз мумкин.

| Ташкилий-ҳуқуқий шакли | Тадбиркорлик субъектлари сони (бирликда) | Тадбиркорлик субъектларининг жамига нисбатан улуши (фоизда) |
|---|---|---|
| Масъулияти чекланган жамият | 292 885 | 76,7 |
| Хусусий корхоналар | 47 963 | 12,5 |
| Оилавий корхоналар | 37 105 | 9,7 |
| Акциядорлик жамияти | 644 | 0,2 |
| Бошқалар | 3 293 | 0,9 |

**Мавзуга доир кўрсаткичлар:**

Фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамият сони (ойлик)
Фаолият кўрсатаётган хусусий корхоналар сони (иқтисодий фаолият турлари бўйича, ойлик)
Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони (иқтисодий фаолият турлари бўйича, ойлик)

## III. Чет эл инвестицияси иштирокидаги корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумотлар.

Мамлакатимизда тўғридан тўғри инвестицияларни жалб қилиш учун энг қулай инвестиция муҳитини яратиш мақсадида иқтисодиётни либераллаштириш, тадбиркорлик субектлари фаолиятига аралашувни чеклаш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ва соддалаштириш, инвестициялардан эркин фойдаланишни таъминлаш шунингдек, ҳудудларда зарур инфратузилмани яратиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада ҳар йили хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар кўпайиб бормоқда.

Ҳудудлар кесимида хорижий инвестициялар иштирокидаги фаолият юритаётган корхоналарнинг жами сонига нисбатан энг катта улуши Тошкент шаҳрига 64,4 фоиз, вилоятлар орасида эса Тошкент – 12,1 фоиз, Самарқанд – 3,7 фоиз ва Сурхондарё – 3,4 фоиз тўғри келади.

| Ҳудудлар | Жами: | *шундан:* | |
|---|---|---|---|
| | | **қўшма корхонаси** | **хорижий корхонаси** |
| Ўзбекистон Республикаси | **16 007** | **4 043** | **11 964** |
| Қорақалпоғистон Респ. | 160 | 67 | 93 |
| *вилоятлар:* | | | |
| Андижон вилояти | 330 | 118 | 212 |
| Бухоро вилояти | 335 | 119 | 216 |
| Жиззах вилояти | 224 | 97 | 127 |
| Қашқадарё вилояти | 149 | 76 | 73 |
| Навоий вилояти | 278 | 111 | 167 |
| Наманган вилояти | 235 | 101 | 134 |
| Самарқанд вилояти | 598 | 254 | 344 |
| Сурхондарё вилояти | 546 | 62 | 484 |
| Сирдарё вилояти | 237 | 79 | 158 |
| Тошкент вилояти | 1 942 | 454 | 1 488 |
| Фарғона вилояти | 510 | 208 | 302 |
| Хоразм вилояти | 154 | 59 | 95 |
| Тошкент шаҳри | 10 309 | 2 238 | 8 071 |

Ўзбекистонда охирги беш йилда хорижий инвестициялар иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони 1,3 баробарга, шу билан бирга хорижий корхоналарнинг улуши (жамига нисбатан) 53,2 фоиздан 74,7 фоизгача ошган.

2025 йил 1 май ҳолатига чет эл инвестициялари иштирокидаги фаолият кўрсатаётган 16 007 та корхоналардан 4 043 таси қўшма корхоналар ва 11 964 таси хорижий корхоналар ҳисобига тўғри келди.




***Чет эл инвестицияси иштирокидаги корхона ва ташкилотлар***

2025 йилнинг 1 май ҳолатига кўра хорижий инвестициялар иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг сони, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 1 529 тага ошган. Бу асосан, савдо соҳасидаги корхоналар сонининг 5 087 тадан 5 791 тага, (ўсиш 704 тага), ахборот ва алоқа соҳасида 935 тадан 1 152 тага (ўсиш 217 тага) ва қурилиш соҳасида 1 035 тадан 1 183 тага (ўсиш 148 тага) кўпайиши билан боғлиқ.

| **Иқтисодий фаолият турлари** | **Жами:** | *шундан:* | |
|---|---|---|---|
| | | **қўшма корхона** | **хорижий корхона** |
| **Жами:** | **16 007** | **4 043** | **11 964** |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги | 396 | 178 | 218 |
| Саноат | 3 341 | 1 357 | 1 984 |
| Қурилиш | 1 183 | 268 | 915 |
| Савдо | 5 791 | 998 | 4 793 |
| Ташиш ва сақлаш | 519 | 116 | 403 |
| Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 658 | 148 | 510 |
| Ахборот ва алоқа | 1 152 | 183 | 969 |
| Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 194 | 78 | 116 |
| Бошқа турлар | 2 773 | 717 | 2 056 |

**Мавзуга доир кўрсаткичлар:**
Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналар сони (ойлик)
Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналар сони (иқтисодий фаолият турлари бўйича, ойлик)

## Айрим давлатлар кесимида фаолият кўрсатаётган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумотлар.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона ва ташкилотлар таҳлил қилинганда, етакчи ўринни 3 880 та корхона билан Хитой Халқ Республикаси эгаллади. Бу республикадаги хорижий инвестициялар иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналар умумий сонининг 24,2 фоизини ташкил этди. Ўзбекистон иқтисодиётига ўз капиталини киритиб, ҳиссасини қўшаётган мамлакатлар орасида Россия Федерацияси (19,1%), Туркия (12,3%), Қозоғистон (7,0%), Афғонистон (4,2%) ва Жанубий Корея (4,1%) ҳам алоҳида ўрин эгаллайди.

| Давлатлар | Жами: | шундан: | |
|---|---|---|---|
| | | **қўшма корхона** | **хорижий корхона** |
| Хитой | 3 880 | 605 | 3 275 |
| Россия | 3 051 | 905 | 2 146 |
| Туркия | 1 964 | 486 | 1 478 |
| Қозоғистон | 1 114 | 270 | 844 |
| Афғонистон | 677 | 82 | 595 |
| Жанубий Корея | 665 | 181 | 484 |
| БАА | 352 | 123 | 229 |
| Тожикистон | 343 | 87 | 256 |
| Ҳиндистон | 320 | 83 | 237 |
| АҚШ | 314 | 147 | 167 |
| Қирғиз Республикаси | 304 | 81 | 223 |
| Озарбайжон | 278 | 57 | 221 |
| Буюк Британия | 239 | 125 | 114 |
| Беларус | 232 | 62 | 170 |
| Туркманистон | 230 | 48 | 182 |
| Эрон | 216 | 74 | 142 |
| Германия | 215 | 100 | 115 |
| Украина | 179 | 54 | 125 |
| Покистон | 149 | 23 | 126 |
| Япония | 97 | 25 | 72 |

## IV. Корхона ва ташкилотлар демографиясига оид метамаълумотлар ва тушунчалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 сентябрьдаги “Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини юритиш ва унинг асосида давлат хизматини кўрсатишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 539-сон қарорига мувофиқ Корхоналар ва ташкилотларнинг маълумотлари статистик таснифлагичларга асосан шакллантирилади.

Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри – реал вақт режимида янгилаб бориладиган маълумотлардан иборат бўлган ахборот-маълумотнома тусидаги автоматлаштирилган тизим ҳисобланиб, ягона классификациялар тизими асосида корхоналар ва ташкилотларнинг давлат ҳисобини ва уларни идентификациялаштиришни таъминлайди.

Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат хизматлари маркази маълумотлар базаси асосида 2025 йил 1 май ҳолатига кўра (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) шакллантирилди.

**Метамаълумот учун ҳаволалар:**

Метамаълумот корхоналар ва ташкилотлар сони
Глоссарий
Статистик классификациялар

**Мавзуга доир кўрсаткичлар::**

Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони (ойлик)
Янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари сони (ойлик)
Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари сони (ойлик)
Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони (ойлик)
Янги ташкил этилган хусусий корхоналар сони (ойлик)
Янги ташкил этилган масъулияти чекланган жамият сони (ойлик)
Янги ташкил этилган оилавий корхоналар сони (ойлик)
Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони (иқтисодий фаолият турлари бўйича, ойлик)
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида янги ташкил қилинган корхона ва ташкилотлар сони (ойлик)
Саноат йўналишида янги ташкил қилинган корхона ва ташкилотлар сони (ойлик)
Қурилиш фаолияти билан шуғулланувчи янги ташкил қилинган корхона ва ташкилотлар сони (ойлик)
Савдо соҳасида янги ташкил қилинган корхона ва ташкилотлар сони (ойлик)
Ташиш ва сақлаш хизматлари соҳасида янги ташкил қилинган корхона ва ташкилотлар сони (ойлик)
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида янги ташкил қилинган корхона ва ташкилотлар сони (ойлик)
Ахборот ва алоқа соҳасида янги ташкил қилинган корхона ва ташкилотлар сони (ойлик)
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида янги ташкил қилинган корхона ва ташкилотлар сони (ойлик)
ИФУТ бўйича фаолият кўрсатаётган корхоналар сони (бўлим кесимида, йиллик)
ИФУТ бўйича фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари сони (бўлим кесимида, ойлик)

**Тайёрлаш учун масъул:**
Статистик регистрларни юритиш бўлими

**Манзил:**
100170, Тошкент ш.,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63